

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Одамлар манфаатлари – депутатлар диққат марказида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар қуйидаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар:

➤ «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини. Ҳужжат фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қақиради. Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг шакллари, уларни амалга ошириш механизми, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиби берилган;

➤ Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини. Ушбу қонун лойиҳаси бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири бўлган хусусий мулк кафолатларини таъминлашда ва ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ жиноят қуроли, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак бўлган ва тегишли муассасаларга топширилган ёки йўқ қилиб юборилган.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, ушбу талабга ўзгартиш киритилиб, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши кераклиги ва тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши назарда тутилмоқда;

➤ алиментлар тўловини таъминлашга доир амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларини ва самарасиз механизмларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини. Кейинги пайтларда, мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига фуқароларнинг алиментлар ўз вақтида тўланмаслиги масалаларига

доир мурожаатлари ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар сони ошган. Бундан ташқари, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни чет элга чиқишга доир чекловни олиб ташлаш учун алиментларни олдиндан тўлаш ёки алиментларни тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш имконини берувчи норма билан тўлдирилмоқда. Шундай қилиб, алиментлар тўлаши шарт бўлган шахсларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун, алиментлар олиш ҳуқуқига эга бўлган болаларнинг манфаатларини бузмаган ҳолда, шарт-шароитлар яратилмоқда;

➤ Оила кодексига судлар ва ФХДЁ органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мавжудлиги тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор қилишга доир қоидаларни белгилашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритилган қонун лойиҳасини. Бу, ўз навбатида, яраштириш комиссияларига ажралишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконини беради.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Жамоат ишларига ҳақ тўлаш – ЖШДС ва ЯИТсиз

Президентнинг 12.09.2017 йилдаги ПҚ–3268-сон «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сонидан чоп этилган, ушбу ҳужжат «Норма маслаҳатчи» газетасининг мазкур сони ҳужжатлар пакетида берилмоқда).

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш – ҳудудий дастурлар бўйича

Ҳужжатга кўра Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда 2017–2018 йиллар учун мўлжалланган аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни тасдиқлашади, унда қуйидагилар назарда тутилди:

1) муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган кам таъминланган оилаларга уларнинг оилаларини етарли даражада таъминлаш имконини берадиган, тижорат банкларининг махсус Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли фойз ставкаси бўйича қуйидаги мақсадларга микрокредитлар тақдим этиш: хунарамандчилик фаолияти учун тикув машиналари, газламалар ва сарфланадиган материаллар, анжомлар, мустақил шуғулланишни таъминлаш учун маиший техника, компьютер ва бошқа техникани, шунингдек турли асбобларни сотиб олиш;

шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш (кичик иссиқхоналарни ташкил этиш, чорва моллари, паррандаларни сотиб олиш, қўралар ва паррандахоналарни қуриш, боғдорчилик анжомлари ва асбоб-ускуналарини сотиб олиш), турар жойларни таъмирлаш;

2) оғир уй-жой маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга қуйидаги мақсадлар учун:

уй-жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридаги ўрта ҳисобда 2 ва 5 та оилалар 2017 ва 2018 йилларда арзон уй-жойларни 10 йил мобайнида давлат ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқисиз олиш;

2017 ва 2018 йилларда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан тегишлича ўрта ҳисобда 10 ва 25 та кам таъминланган оилаларга уй-жойни таъмирлаш (томни таъмирлаш, поп ётқизиш, деразаларни алмаштириш ва ҳ.к.);

2-Бетда

Ушбу
сонда:

3-4-БЕТЛАР

Кам таъминланган оилалар қандай қўллаб-қувватланади

7-БЕТ

Меҳнат таътили: бошқа муддатга кўчириш, узайтириш ёки пуллик компенсация

8-БЕТ

Хорижлик билан қандай ажрашса бўлади?



республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 70 тагача оила-ларга ҳар йили маиший техника (газ ва электр печлар, холодильниклар, тикув машиналари ва ҳ.к.) ёки бир бошдан қорамол харид қилиш;

огир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва уларнинг ҳақини тўлашга маблағ бўлмаган тақдирда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оилага бегараз ёрдам кўрсатиш.

Банд бўлмаганлар жамоат ишларига жалб этилади

Мамлакатнинг барча минтақаларидаги, хусусан қишлоқ ва олис туманлардаги банд бўлмаган фуқаролар аҳоли пунктлари, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқларни, ирригация шохобчаларини

тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўллар ва кўчаларни, уй-жой фонди ва туташ ҳудудлардаги объектларни таъмирлаш бўйича жамоат ишларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб этилади.

Тажриба тариқасида ушбу тартиб Қорақалпоғистон, вилоятлар ва пойтахтимиздаги туманлардан бирида жорий йилнинг 1 октябридан, кейинги йилнинг 1 январидан эса республиканинг барча туман ва шаҳарларида босқичма-босқич амал қилишни бошлайди.

Кўрсатилган ишлар учун Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади, жамғармага 2017 йилда 84 млрд сўм, 2018 йилда эса — 714 млрд сўм ажратилади.

Қайд этиш жоизки, жамоат ишларига жалб этиладиган жисмоний шахслар Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан олган даромадлари бўйича ЖШДСдан

озод этилади. Шунингдек, ушбу даромадлар ЯИТга тортилмайди.

Давлат томонидан ижтимоий ёрдамни молиялаштириш ҳажми ошади

Меҳнат ва молия вазирликлари 2017–2018 йилларда 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тарзида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга бюджет маблағлари қўлайтирилишини таъминлаш, уларни олувчилар контингентини тегишли равишда 1,5 ва 2 баробар кенгайтириш топширилади.

Молия вазирлиги 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришни молиялаштириш учун қўшимча бюджет маблағлари ажратади.

Пахта ҳосилининг ярми – давлат эҳтиёжлари учун

Президентнинг 15.09.2017 йилдаги ПҚ–3281-сон 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг прогност ҳажмлари ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларига доир қарорига (давлат раҳбарининг president.uz сайтида жойлаштирилган) кўра қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз ичига олади.

Бунга, хусусан:

ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, ер балансида риоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришнинг замонавий ва ресурсларни тежовчи технологияларини жорий этиш;

фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва туманларни инobatга олган ҳолда, шунингдек минтақаларнинг тупроқ-иклим шароитлари, ерларнинг ме-лиоратив ҳолати, ерларнинг унумдорлиги, уларнинг балл-бонитети, сув билан таъминланганлиги, ҳосилдорлиги таҳлили ва бошқалардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш;

фермер хўжаликлари ва харид қилувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, моддий-техник ресурсларни етказиб бериш, молиялаштиришни таъминлаш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш;

фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг сотилиши мониторингини ва ҳисобга олинишини юритиш, сотилган маҳсулотлардан тушган тушумни хизмат кўрсатувчи банкларга топширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, фермерлик хўжаликларини моддий-техник ресурслар

билан ўз вақтида таъминламаганлик учун қатъий жавобгарлик чораларини кўриш киради.

Товарбон дон, навлaштирилмаган, сифатсиз тайёрланган ва дориланмаган уруғларни экиш, мамлакат ҳудудида экиш тавсия қилинмаган навларни жойлаштириш, шунингдек бошоқли дон экинларини ишлов бериш қийин бўлган ерларга экиш тақиқланади.

Президентнинг вилоятларга таширифи чоғида берган топшириқларида кўзда тутилган кам ҳосил берадиган ва унумдорлиги паст бўлган ерларда ғўза ва бошоқли дон экиш майдонларини қисқартириш қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ҳокимларининг қўшма қарорлари асосида амалга оширилади.

Бунинг учун уларга ушбу ерларда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, интенсив боғлар ва узумзорлар, иссиқхоналар, шунингдек чорвачилик комплексларини яратишни кўзда тутувчи, лойиҳалар ташаббускорлари, амалга ошириш муддатлари, инвестициялар ҳажми, яратиладиган иш ўринлари ва бошқа кафолатлар кўрсатилган мева-сабзавот ва чорвачиликка оид лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ тақлифлар тақдим этилиши керак.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта толасини харид қилиш ҳажмлари 2018 йилда уни ҳақиқатда етишти-

риш ҳажмига нисбатан 50% даражасида сақланиб қолади. Бунда ҳужжатда битта туманда кўпи билан 2, фермер хўжаликларида эса 1 та тавсия этилган ғўза навларини экишни инobatга олган ҳолда тасдиқланган навларни жойлаштиришга риоя қилиш учун шахсий жавобгарлик белгиланган.

«Ўзбекизоққовқатҳолдинг» ХК, «Ўзбекизоққовқатзахира» уюшмаси, «Ўзгазроэкспорт» АЖ, «Ўзпахтаёғ» АЖ қўйидагиларни таъминлайди:

бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда етиштирилган сабзавот-полииз маҳсулотлари, картошка, мойли экинларни давлат буюртмалари учун шартномавий бозор нархларида харид қилиш, шунингдек уларни экспорт қилишда деҳқон ва фермер хўжаликларида амалий ёрдам кўрсатиш;

маҳсулотларни етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш;

фермер хўжаликларида аванс кўринишида, тузилган шартномалар асосида уруғ, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб бериш.

Шу билан бирга, контрактация ҳажмларидан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фермер хўжаликларининг тасарруфида қолади. Бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини нав кесимида экиш, уларни ўстириш, шунингдек ҳосилни харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ва харид нархларини белгилашда биринчи навбатда фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлиги ҳамда манфаатдорлигини таъминлаш инobatга олинади.

Олег Заманов, экспертмиз.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 26 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилайди:*)

1 Австралия доллари	6423,72	1 Польша злотийси	2255,36
1 Англия фунт	10921,86	1 СДР	11446,21
1 БАА дирҳами	2196,41	1 Туркия лираси	23504,85
1 АҚШ доллари	8066,96	1 Швейцария франки	8313,88
1 Миср фунти	457,57	1 ЕВРО	9626,30
1 Канада доллари	6543,61	10 Жанубий Корея вони	7,14
1 Хитой юани	1221,75	10 Япония иенаси	71,87
1 Малайзия ринггити	1924,83	1 Россия рубли	140,05
		1 Украина гривнаси	307,08

*) Валюта қийматини белгилash чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмуриятлари ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

УШБУ СОНДА

- ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА
 - Одамлар манфаатлари — депутатлар диққат марказида **1-бет**
- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - НХҲнинг қўлланилиш тартиби сўровга кўра тушунтирилади
 - Сўровга кўра ишга тикламаганлик учун — 5 илгича озоқликдан маҳрум қилинади
 - Валюталар курси **1-2, 7-8-бетлар**
- РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
 - «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини

қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- ЎзР МБ Бошқарувиининг «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технология жихозлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ДСКнинг «Солиқ тўловчининг шахсий ка-

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	25.09.2017	1	1,7008	1	2,0296	1	0,0295
Арманистон	23.09.2017	1	477,88	1	573,6	1	8,31
Беларусь	25.09.2017	1	1,9366	1	2,3198	100	3,3604
Грузия	25.09.2017	1	2,4804	1	2,9708	100	4,3075
Қозоғистон	25.09.2017	1	340,11	1	407,93	1	5,91
Қирғизистон	25.09.2017	1	68,4645	1	82,0924	1	1,1875
Молдова	25.09.2017	1	17,6577	1	21,1318	1	0,3067
Россия	23.09.2017	1	57,6527	1	69,0737	—	—
Тожикистон	18.09.2017	1	8,8001	1	10,1888	1	0,1499
Туркменистон	25.09.2017	1	3,5000	1	4,1832	100	6,0890
Украина	25.09.2017	100	2 626,1562	100	3 141,1454	10	4,5551

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

бинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

- ЎзР молия вазирининг «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчи) тақдим этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги» буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи;
- ЎзР ДСКнинг «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўй-

хатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 26 августдан 31 августгача бўлган маълумот **3-6-бетлар**

- КАДРЛАР БЎЛИМИ
 - Таътин олиш ҳуқуқи
 - Таътинли кўчириш: асослар ва расмийлаштириш **7-бет**
- НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР
 - Судланганлиги сабабли ишга қабул қилмаслик файриқонуний бўлади **7-бет**
- ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
 - Фирма рўйхатдан ўтказилган жой
 - Шартнома асосида техник хизматлар
 - Чет эллик фуқаро билан ажрашиш **8-бет**

Тахрият аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга **«НОРМА» gazetalarl birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

- «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР МБ Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР ДСҚнинг «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР молия вазирининг «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС)» «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва миқозга (ишонч билдирувчи) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи;
 - ЎзР ДСҚнинг «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.
- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 26 АВГУСТ-ДАН 31 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сон, 988-модда)

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тадбирларини тобора амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиесатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сонли Фармони иқросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари билан биргаликда 2017–2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш тақлифи маъқуллансин, уларда қуйидагилар назарда тутилди:

а) муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган кам таъминланган оилаларга уларнинг оилаларини етарли даражада таъминлаш имконини берадиган, тижорат банкларининг махсус Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли фойз ставкаси бўйича қуйидаги мақсадларга микрокредитлар тақдим этиш;

хунармандчилик фаолияти учун тикув машиналари, газламалар ва сарфланадиган материаллар, анжомлар, мустақил шуғулланишни таъминлаш учун маиший техника, компьютер ва бошқа техникани, шунингдек турли асбобларни сотиб олиш;

шахсий торморқа участкаларини ривожлантириш (кичик иккисонларни ташкил этиш, чорва моллари, паррандаларни сотиб олиш, қўралар ва паррандахоналари қуриш, богдорчилик анжомлари ва асбоб-ускуналарини сотиб олиш), турар жойларни таъмирлаш;

б) оғир уй-жой маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга қуйидаги мақсадлар учун:

уй-жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридаги

ўрта ҳисобда 2 ва 5 та оилага 2017 ва 2018 йилларда арзон уй-жойларни 10 йил мобайнида давлат ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқисиз олиш;

республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 70 тагача оилаларга ҳар йили маиший техника (газ ва электр печлар, холодильниклар, тикув машиналари ва ҳ.к.) ёки бир бошдан қорамол харид қилиш;

оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва уларнинг ҳақини тўлашга маблағ бўлмаган тақдирда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оилаларга бегараз ёрдам кўрсатиш.

2. Белгилансинки, 2017–2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий манзилли дастурлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

ушбу қарор 1-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан маблағларни жамлаш учун очиладиган махсус банк ҳисобварақлари орқали тенг улушларда амалга оширилади;

аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳудудий манзилли дастурларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг сарф-харажатлари 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига тенг улушларда қoplanadi.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджетини параметрларини шакллантиришда Ўзбекистон Қасаба уюшма-

лари Федерацияси Кенгашининг 2018 йилги ҳудудий манзилли дастурларини молиялаштириш сарф-харажатларини қоплаш манбаларини назарда тутсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди (кейинги ўринларда – Жамоат ишлари жамғармаси).

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.А.Хайитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатнинг барча минтақаларидаги, хусусан қишлоқ ва оқим туманлардаги банд бўлмаган фуқароларни аҳоли пунктлари, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқларни, ирригация шохобчаларини тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўллар ва кўчаларни, уй-жой фонди ва туғаш ҳудудлардаги объектларни таъмирлаш бўйича жамоат ишлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда жамоат ишларини ташкил этиш тартиби, шунингдек, Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, бунда, банд бўлмаган аҳолини жалб этиш куйидагича амалга оширилиши назарда тутилсин:

2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг битта туманида эксперимент сифатида;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб эса республиканинг барча туманлари ва шаҳарларида босқичма-босқич амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А.Ходжаев) 2017 йилда жамоат ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 84 млрд сўм ва 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларини шакллантиришда 714 млрд сўм бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: жамоат ишларида жалб этилаётган жисмоний шахслар Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилинади:

жамоат ишларида жалб этиладиган, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган жисмоний шахслар меҳнатига тўланган ҳақ сифатида олинган даромадлар ягона ижтимоий тўловга тортилмайди; ушбу қарор 1-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган бегараз ёрдам уни олувчиларда солиққа тортилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2017–2018 йилларда 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тарзида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга бюджет маблағлари кўпайтирилишини таъминласин, уларни олувчилар контингентини тегишли равишда 1,5 ва 2 баробар кенгайтсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришни молиялаштириш учун қўшимча бюджет маблағлари ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия нazorати бош бошқармаси ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь
ПҚ–3268-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-4**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 11.09.2017 йилдаги 36 (796)-сон, 965-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ-2922-сон «2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 16 мартдаги 6/1-сон қарори (рўйхат рақами 1126, 2002 йил 18 апрель) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон

Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 8-сон) иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Марказий банк Раиси
М.НУРМУРАТОВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июль
18/2-сон.

*Ушбу ҳужжат тахририят томонидан ўзбек тилига ўсирилган. Маълумотнома тусига эга.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 4 ва 5-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«4. ХУМШга кредитлар қуйидаги мақсадларга ажратилади:
кўп хонадонли уйларнинг томлари ва/ёки уй ичидаги муҳандислик коммуникацияларини мукамал таъмирлашга – мазкур ишларнинг бажарилиши даврийлигини ҳисобга олган ҳолда;
асосий воситаларни (махсус асбоб-ускуналар ва механизмларни) харид қилишга;
уй атрофи ҳудудларини ободонлаштиришга.
5. Кредитлар қуйидаги муддатларга берилади:
камида 10 йилга – мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган мақсадлар учун;

камида 5 йилга – мазкур Низомнинг 4-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган мақсадлар учун.»

2. 7-банднинг биринчи хатбошисида «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан мос равишда» сўзлари «жойлардаги молия органлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг тегишли бўлинмалари томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-7

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 11.09.2017 йилдаги 36 (796)-сон, 970-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божли ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатининг 82-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 82.	8704 10 102 0*** 8704 21 100 0, 8704 23 910 1, 8704 23 910 2, 8704 31 100 0 Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган,	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
	8705 (юк кўтариш қобилияти 50 тн гача бўлган автокранлардан ташқари ТИФ ТН коди 8705 10 009 0) Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган	».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазирли
Г.САИДОВА.
143-сон

Молия вазирли
Б.ХОДЖАЕВ.
127-сон

Ташқи савдо вазирли
Э.ҒАНИЕВ.
2017/04-13-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси
М.ТОХИРИЙ.
01-02/8-34-сон

Тошкент ш., 2017 йил 28 август.



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕКТИНДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНING ШАХСИЙ КАБИНЕТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 11.09.2017 йилдаги 36 (796)-сон, 972-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22'-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш

тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 15 август
2017-41-сон.

ЎзР ДСҚнинг
2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон қарорига
ИЛОВА

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНING ШАХСИЙ КАБИНЕТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22'-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомида куйдаги асосий тушунчалар қўлланилади:

солиқ тўловчининг шахсий кабинети (бундан буён матнда шахсий кабинет деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурси;

солиқ тўловчилар – амалдаги қонунчиликка мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари;

шахсий кабинетни активлаштириш – солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишга ўтиш;

шахсий кабинетни тўхтатиб туриш – солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишдан воз кечиш;

электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгариш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизицталарга эга бўлган ахборот;

ягона идентификация қилиш тизими – жисмоний ва юридик шахсларни ҳақиқий идентификация қилишни, шунингдек идораларaro электрон ҳамкорликда мансабдор шахсларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан рухсат олиб фойдалана олишларини таъминловчи давлат ахборот тизими.

2. Шахсий кабинетни қўллаш куйдаги мақсадларга қаратилган:

солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилишида замонвий ахборот-технологияларидан кенг фойдаланиш;

солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатиш;

солиқ тўловчиларга давлат хизматларидан фойдаланишида қулайликлар яратиш;

солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳужжатлар айланиш механизмини соддалаштириш ва тезкорлигини ошириш;

солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилашни таъминлаш.

3. Солиқ тўловчида шахсий кабинет мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ тўловчи ва давлат солиқ хизмати органи ўртасидаги ўзаро муносабатларда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНING ШАХСИЙ КАБИНЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

4. Шахсий кабинет жисмоний шахс, яъна тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида автоматик режимида шакллантирилади.

Шахсий кабинет солиқ тўловчилар тоифалари (жисмоний шахслар, яъна тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар) учун алоҳида шакллантирилади.

5. Солиқ тўловчи фақат битта шахсий кабинетга эга бўлиши мумкин. Солиқ тўловчини ҳисобга олиш жойидан қатъи назар,

унинг давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатлари битта шахсий кабинет орқали амалга оширилади.

6. Шахсий кабинетни активлаштириш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади.

7. Шахсий кабинетни активлаштириш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш учун солиқ тўловчи томонидан тегишлича ушбу Низомнинг 1, 2 ва 3-илловаларида* келтирилган шакл бўйича бевосита ҳисоба олишдан жойдаги давлат солиқ хизмати органига ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали Давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатлари шахсий кабинет орқали амалга ошириш (амалга оширишдан воз кечиш) тўғрисидаги ариза билан мурожаат этади.

Ариза тақдим этилган кундан бошлаб шахсий кабинет активлаштирилади (амал қилиши тўхтатиб турилади).

8. Шахсий кабинетга кириш солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси қўлланилган ҳолда ягона идентификация қилиш тизими орқали амалга оширилади. Бунда:

солиқ тўловчи жисмоний шахснинг шахсий кабинетига кириш учун – жисмоний шахснинг электрон рақамли имзоси калити;

солиқ тўловчи яқка тартибдаги тадбиркорнинг шахсий кабинетига кириш учун – давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахснинг электрон рақамли имзоси калити;

солиқ тўловчи юридик шахснинг шахсий кабинетига кириш учун – юридик шахс вакилининг электрон рақамли имзоси калити талаб этилади.

9. Агар жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органларида юридик шахснинг раҳбари сифатида ҳисобда турган бўлса, ушбу жисмоний шахс ўз электрон рақамли имзоси калити билан юридик шахснинг шахсий кабинетига кириши мумкин.

3-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ШАХСИЙ КАБИНЕТИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ

10. Солиқ тўловчи шахсий кабинет орқали давлат солиқ хизмати органларига:

а) Давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатлари шахсий кабинет орқали амалга ошириш (амалга оширишдан воз кечиш) тўғрисидаги аризани;

б) давлат солиқ хизмати органига шахсий кабинет орқали юборилиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан назарда тутилган ҳужжатларни;

в) бошқа ҳужжатларни (маълумотларни), шу жумладан давлат солиқ хизмати органларига мурожаатларни юбориши мумкин.

Солиқ тўловчилар томонидан шахсий кабинет орқали давлат солиқ хизмати органларига юбориладиган электрон ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

11. Шахсий кабинет орқали юборилган электрон ҳужжатнинг жўнатиш вақти электрон ҳужжат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади.

12. Солиқ тўловчилар электрон ҳужжатларни активлаштирилган шахсий кабинет орқали юборганда ушбу ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органларига қўғоз шаклида юбориш талаб этилмайди.

13. Шахсий кабинетга янги ҳужжат келиб тушганда солиқ тўловчининг аризасида кўрсатилган мобил телефони рақамига автомат тарзда СМС хабарнома юборилади.

14. Солиқ тўловчи ўз шахсий кабинетига сақланадиган электрон ҳужжатларни кўриши, компютерига юклаб олиши ва чоп этиши мумкин.

15. Солиқ тўловчи томонидан шахсий кабинет орқали юборилган электрон ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

16. Давлат солиқ хизмати органлари шахсий кабинет орқали солиқ тўловчиларга:

а) солиқ тўловчига шахсий кабинет орқали юборилиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан назарда тутилган ҳужжатларни;

б) солиқ тўловчига бериладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш қарточкасини бериш расм этилгандаги тўғрисидаги хабарномани;

в) солиқ тўловчига бериладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш қарточкасини;

г) бошқа ҳужжатларни (маълумотларни), шу жумладан солиқ тўловчиларни давлат солиқ хизмати органларига қилган мурожаатларига жавоб хатларини юбориши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан шахсий кабинет орқали солиқ тўловчиларга юбориладиган электрон ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

17. Давлат солиқ хизмати органлари электрон ҳужжатларни активлаштирилган шахсий кабинет орқали юборганда ушбу ҳужжатларни солиқ тўловчиларга қўғоз шаклида юбориш талаб этилмайди.

18. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан шахсий кабинет орқали солиқ тўловчига электрон ҳужжатлар юборилган кундан кейинги иш куни ушбу ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан қабул қилиб олинган кун деб ҳисобланади.

19. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан шахсий кабинет орқали солиқ тўловчига электрон ҳужжатлар юборилган кун солиқ тўловчи томонидан шахсий кабинетнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза берилган тақдирда ёки солиқ тўловчининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш мuddати тугаган ёки бекор қилинган бўлса, мазкур ҳужжатлар солиқ тўловчига уч иш куни ичида қўғоз кўринишида жўнатилади.

4-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20. Шахсий кабинет орқали қабул қилиб олинган ва юборилган электрон ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатларда сақланади.

21. Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида:

шахсий кабинетни ўз вақтида шакллантириш;
ўз дастурий-техник воситаларини қўлланган ҳолда шахсий кабинетни самарали ва узлуқсиз ишлашини таъминлаш;
солиқ тўловчиларга шахсий кабинетдан фойдаланиш бора-сида тушунтиришлар бериш, мазкур масалада қўлланмалар тайёрлаш ва тарқатиш;

шахсий кабинетнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
шахсий кабинетдаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш мақсадида уларни бир иш кунида бир марта янгилаш;

солиқ тўловчи томонидан юборилган электрон ҳужжатларни белгиланган тартиб ва мuddатларда қўриб чиқиш учун жавобгар ҳисобланади.

22. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*1-3-илловалар берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва norm.uz сайтида танишиш мумкин.

**«СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (2-СОНЛИ СММС)
«СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ БҲЙИЧА ҲИСОБОТ ТУЗИШ ВА
МИЖОЗГА (ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИГА) ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ»НИ
ТАСДИҚЛАШ ТҲҒРИСИДА»ГИ БҲЙРУҚҚА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚҲШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик томонидан
2017 йил 11 сентябрда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 2375-1

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сон, 1011-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 44-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва миҳозга (ишонч билдирувчиға) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўхат рақами 2375, 2012 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2012 й., 26-27-сон, 299-модда) иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

Вазир Б.ХОДЖАЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 23 август
126-сон.

ЎЗР молия вазирининг
2017 йил 23 августдаги 126-сон буйруғига
ИЛОВА

**«СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (2-СОНЛИ СММС)
«СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ БҲЙИЧА ҲИСОБОТ ТУЗИШ ВА МИЖОЗГА (ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИГА)
ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ»НИ ТАСДИҚЛАШ ТҲҒРИСИДА»ГИ БҲЙРУҚҚА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚҲШИМЧАЛАР**

1. Буйруқнинг номи ва 1-банди «солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот» деган сўзлардан кейин «ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Миллий стандартда:

а) номи ва 1-банд «солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот» деган сўзлардан кейин «ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалға оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.»;

в) қуйидаги тахрирдаги III¹ ва III² боблар билан тўлдирилсин:

**«III¹ БОБ. СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ
ҲУЛОСАСИ**

12¹. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосаси (кейинги ўринларда ҳулоса деб юритилади) солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш, солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги фикрини ўз ичига олувчи ёзма шаклда ифодаланган ҳужжатдир.

Ҳулоса ҳисобот асосида тузилади.

12². Ҳулоса эркин шаклда тузилади ва мажбурий тартибда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

номи – «Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосаси»; миҳознинг (ишонч билдирувчининг) манзили, номи ёки Ф.И.О.;

тузилаётган ҳулосаға асос бўлган ҳисобот санаси; шартномани бажаришда иштирок этган солиқ маслаҳатчиси(лари) тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., солиқ маслаҳатчиси сертификатининг рақами ва берилган санаси).

12³. Ҳулосада солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг шартнома предмети бўйича асосланган фикри аниқ баён этилиши керак.

**III² БОБ. ҲУЛОСАНИ ТУЗИШ ВА МИЖОЗГА
(ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИГА) ТАҚДИМ ЭТИШ**

12⁴. Ҳулоса солиқ маслаҳатчиси (солиқ маслаҳатчилари), солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланиши ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланиши керак.

12⁵. Ҳулоса миҳозга (ишонч билдирувчиға) шартномада белгиланган муддатларда шахсан олиб бериш, почтадан буюртма хат орқали ёки электрон ҳужжат тарзида тақдим этилади.»;

г) IV бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«IV БОБ. ҲИСОБОТ ВА ҲУЛОСАНИНГ МАЗМУНИ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК»;**

д) 16-банд «ҳисобот» сўзидан кейин «ва ҳулоса» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

**СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҲАМДА СОЛИҚ СОЛИШ БИЛАН
БОҒЛИҚ ОБЪЕКТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600-1

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сон, 1018-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг

2014 йил 17 июндаги 2014-25-сон қарори (рўйхат рақами 2600, 2014 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомига иловига мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киреда.

*Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.*

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август
2017-46-сон.

ЎзР ДСҚнинг
2017 йил 28 августдаги 2017-46-сон қарорига
ИЛОВА

**СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҲАМДА СОЛИҚ СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ОБЪЕКТЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 7-бандда:

Биринчи хатбошидаги «жисмоний шахсларга солиқ солиш» деган сўзлар «жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда, жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари асосида ушбу Низомининг 1-иловасига мувофиқ шаклда (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходими тақдим этилади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.»

2. 8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Жисмоний шахснинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу Низомининг 4-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи – жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга қўйиш варақаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходими тақдим этилади ва мазкур маълумотлар Жисмоний

шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш дастурий мажмуасига киритилади.»

3. 9-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларида рўйхатдан ўтказилмайдиган солиқ тўловчи – юридик шахсларни туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш учун солиқ тўловчи – юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан ушбу Низомининг 5-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи – юридик шахснинг рўйхатга олиш варақаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг юридик шахслар солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади.

Солиқ тўловчи – юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда Солиқ тўловчи – юридик шахснинг рўйхатга олиш варақаси тўлдирилгандан кейин туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг юридик шахслар солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими (тузилмаси) масъул ходими уни ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходими тақдим этади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.»

4. 5 ва 8-иловалардаги «КТУТ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2017 ЙИЛ 26 АВГУСТДАН 31 АВГУСТГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мқ-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мқ-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мқ-сон «Спорт турларни бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 2-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси ягона спорт таснифи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-1.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июлдаги 157-сон «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тарикасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2922.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 2 августдаги 118-сон «Бизнес соҳаси учун сугурта хизматлари

кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида»ги низоми ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мқ-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 4-мқ-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2832-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 11 августдаги 121, 2017-40, 01-02/8-32-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса икроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 31 июлдаги 116, 141, 2017-38-сон «Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2865, 2017 йил 28 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ягона спорт таснифи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2323, 2012 йил 6 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 267-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг

«Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1087, 2001 йил 24 ноябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 268-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2832, 2016 йил 11 октябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 августдаги 271-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

Судланганлиги сабабли ишга қабул қилмаслик ғайриқонуний бўлади

Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда (Лойиҳа Facebook ижтимоий тармоғидаги «Адлия билан мулоқот» гуруҳида эълон қилинган).

МКнинг 78-моддаси иккинчи қисмини янги хатбоши билан тўлдирish таклиф этилмоқда, унга кўра ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш рўйхатида, қонунда кўзда тутилган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, судланганлиги ҳамда яқин қариндошларининг судланганлиги сабабли рад этиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳа ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

Суд қарорига кўра ишга тикламаганлик учун – 5 йилгача озодликдан маҳрум қилинади

«Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (6.09.2017 йилдаги УРҚ-442-сон) билан ЖКнинг 148-моддасига тузатишлар киритилди.

ЖКнинг 148-моддаси «Меҳнат қилиш ҳуқуқини бўзиш» бўйича жазоланадиган қилмишлар рўйхатидан ишга тиклаш ҳақидаги суд қарорини бажармаслик чиқариб ташланди. Ушбу модда бўйича 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари кўзда тутилган эди.

Энди ЖК 148-моддасида алоҳида шарт мавжуд бўлмаганлиги сабабли бундай ҳуқуқбузарликларга ЖКнинг 232-моддаси «Суд ҳужжати ижро этмаслик» қўлланади. Унда анча қатъий жазо чоралари

кўзда тутилади. Мансабдор шахсларга – 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланади.

Эслиб ўтамиз, ЖКнинг 232-моддасида 2 турдаги қилмишлар назарда тутилган:

- 1) муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлаш;
- 2) суд ҳужжати ижро этилишига тўсқинлик қилиш.

МЖТКнинг 198-1-«Қарздорнинг ижро ҳужжати ижро этмаслиги» моддасига кўра бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш жиноят саналади. Ижро этилишига фаол тўсқинлик қилиш эса – дарҳол жиноий тартибда жазоланади.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Таътил олиш ҳуқуқи

Биз компания ваколатхонасида ишлаймиз, айти пайтда барча ходимларимиз ҳам таътилларида тўлиқ фойдалана олмадилар. Яқин орада компания МЧЖ очмоқчи, барча ходимлар штати унга ўтказилади. Мантиқан олганда, улар ваколатхона билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, МЧЖга ишга қабул қилинадилар (ваколатхона фаолиятини давом эттиради). МЧЖ очилганда айрим ходимларнинг компанияга ишга жойлашганига атиги 6 ой ўтган бўлади, тегишинча, улар бир йил таътилга чиқа олмайдилар (ваколатхонада 6 ой ва МЧЖда яна 6 ой кутишлари тўғри келади).

Қолган таътил кунларини нима қилайлик? Компенсация тўловлари тўлаш имкони борлигидан хабардоримиз. Бироқ ходимлар улардан кейинроқ фойдалана олишларини хоҳлапмиз. Бу кунларни сақлаб қолиш ва қандайдир тарзда МЧЖга ўтказиш мумкинми? Агар кунларни ўтказишнинг иложи бўлмаса, янги ходимлар билан қандай йўл мутаайлик?

Н.С.

– Одатда, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун айти шу иш берувчидан 6 ой узлуксиз ишлангандан кейин берилади. Бунда иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади. Шу сабабли бошқа иш берувчига ўтиш ходимга фойдаланмаган таътиллари янги иш жойига «ўтказиш» имконини бермайди.

Ходим ишдан бўшаётган пайтда фойдаланилмаган таътилининг қанчадир куни қолган бўлса, масалани 2 хил усулда ечиш мумкин:

➤ фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўлаш. Яъни меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга таътилдан фойдаланмаган барча йиллар учун пуллик компенсация тўлаш зарур (МКнинг 151-моддаси);

➤ ходимнинг таътилдан фойдаланиб, кейин ишдан бўшаши. Ходимнинг ёзма аризасига биноан унга ишдан бўшашидан олдин фойдаланилмаган таътиллари берилади. Бунда таътилни сўнгги куни ишдан бўшаи куни деб ҳисобланади. 6 ойдан кам ишлаган ходимларга ҳам ушбу вариантни қўллаш мумкин.

Шу тариқа, бошқа иш берувчига ўтказилаётган ходим пуллик компенсация олиб ёхуд ишдан бўшашидан олдин таътилга чиқиб, таътил олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.



Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маъишӣ техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

www.norma.uz

Абдусалом Рискүллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Муассасамиз ходими таътилида касал бўлиб қолди. У иш берувчини бу ҳақда хабардор қилиши керакми? Биз қандай ҳаракат қилишимиз лозим? Таътил автоматик равишда узайтириладими?

КБ инспектори.

Таътилни кўчириш: асослар ва расмийлаштириш

– Ходимлар куйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;
- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат вазифаларини бажарётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса (МКнинг 145-моддаси).

Касаллиги ўтган ходим ишга чиқиб, ҳақ тўланиши учун касаллик варақасини тақдим этади. Шу билан бир вақтда касаллиги сабабли таътилни фойдаланмаган қисмини бошқа муддатга кўчириш ҳақида ариза ёзади, унинг асосида тегишли буйруқ чиқарилади.

Ходим бошқа жойда дам олаётган ва иш берувчига касаллик варақасини бериш имкони бўлмаса, иш берувчи таътилни касаллик кунларига тўғри келган кунлар сонига мустақил равишда узайтиради.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилни фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Ходимлар иш берувчиларни йиллик ҳақ тўланадиган таътил пайтида бошланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ҳақида хабардор қилганлари маъқул, албатта. Бироқ ходим иш берувчига касаллиги ҳақида ҳеч қандай хабар бермаса, бу қоидабузарлик бўлмайди. Тегишинча, ушбу ходимга интизомий таъсир чораларини қўллаш ҳам мумкин эмас.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилни бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ
ЯНГИЛИК

«Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонун (7.09.2017 йилдаги ЎРҚ-443-сон) қабул қилинди (Хужжат «Халқ сўзи» газетасининг 8.09.2017 йилдаги 179 (6873)-сонида эълон қилинган).

НХХнинг
қўлланилиш
тартиби
сўровга кўра
тушунтирилади

Қонун ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишни кафолатлайди. Бу эркин излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи дегани.

Хуқуқий ахборот деганда қонуннинг маъносида кўра НХХларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, уларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Конституциявий суд қарорларининг, Олий суд Пленумининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материаллари тушунилади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятини белгиланган тартибда таъминлаш шарт. Хусусан, қуйидагилар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари ҳисобланади:

- НХХларнинг матнларини юбориш;
- НХХларни расмий эълон қилиш;
- НХХларни норасмий эълон қилиш;
- ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

Бу – муҳим! Жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлар ўз фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтиради. Сўров у қелиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кўп бўлмаган муддатда қўриб чиқилади. Тушунтиришлар уларни берган органлар ва ташкилотларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари учун мажбурий кучга эга.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Фирма рўйхатдан ўтказилган жой

Корхона тадбиркорлик фаолиятини бошлаш чоғида молиявий имкониятлари чекланганлиги туфайли 2017 йил апрелда муассиснинг яшаш жойидаги Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани «Ягона ойна» маркази томонидан рўйхатдан ўтказилган. Корхона фаолият бошлаганини ҳисобга олганда, муассиснинг яшаш жойидаги манзил қанча вақт корхонанинг юридик манзили бўлиши мумкин?

Е. Чернова.

– Қонун ҳужжатларида юридик шахснинг «жойлашган жойи», «почта манзили» атамаларидан фойдаланилади, улар бир хил маънони англатади.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишга онлайн-ариза шаклида почта манзили сифатида муассиснинг манзилини кўрсатиш имкони бор. Бироқ кўп квартиралар уйдаги турар жойга юридик шахсни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин (УЖКнинг 9-моддаси). Ушбу талаб оилавий корхоналарга татбиқ этилмайди («Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси).

Яна бир талаб – юридик шахс қайд этилган почта манзилида бўлиши керак. Агар у ерда бўлмаса, солиқчилар солиқ тўловчининг банклардаги



ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (Солиқ кодексининг 96-моддаси).

Шу муносабат билан қисқа муддатда нотурар жойни ижарага олиш шартномасини тузиш ва қайта рўйхатдан ўтишни тавсия этамиз. Почта манзилини ўзгартирган пайтингиздан бошлаб бунинг учун сизга 10 кун муҳлат берилади (Низомнинг 21-банди, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Алибек Худойберганов, «Norma Online» эксперти.

Чет эллик фуқаро билан ажрашиш

Аёл Ўзбекистон фуқаролигига эга ва шу ерда яшайди, турмуш ўртоғи эса Исроил фуқароси ва 1993 йилдан буён ўша ерда яшайди. 25 яшар фарзандлари бор. Эр алимент тўламаган, биргаликдаги мол-мулклари йўқ. Аёл ажрашиш учун ариза бераёпти.

Ўзбекистон фуқароси билан Исроил фуқароси ўртасидаги ажрашиш таомили қандай ўтади?

С.Афанасьева.

– Вояга етмаган болалари ёки биргаликдаги умумий мулкни бўлиш, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида низо бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан ФХДЭ органларида ажратилади (ОКнинг 42-моддаси).

Акс ҳолда никоҳдан суд тартибида ажратилади. Эр Ўзбекистонда эмаслиги ва хотин ажрашиш учун мустақил равишда ариза бераётганлиги сабабли у эрининг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган сўнги яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича судга фуқаролик

даъволари учун умумбелгиланган тартибда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиши зарур (ФПКнинг 241-моддаси 2-қисми).

Ўзбекистон фуқаролари билан республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган чет эл фуқаролари ўртасида тузилган никоҳдан ажратиш ЎЗР қонун ҳужжатларига мувофиқ ФХДЭда ёхуд судда амалга оширилади (ОКнинг 236-моддаси 1, 2-қисмлари).

Судга мурожаат қилганда ёзма ёки электрон шаклдаги (www.v3.esud.uz веб-портали орқали) қуйидагилар кўрсатилган даъво аризасини тақдим этиш лозим:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (Ф.И.О.) ва яшаш жойи;

3) жавобгарнинг номи (Ф.И.О.), яшаш жойи;

4) даъвогарнинг талаби;

5) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар (масалан, эр-хотин алоҳида яшаётганлиги тўғрисида маҳалла кўмитасининг маълумотномасини ҳамда эри анчадан буён хорижда яшаётганлиги ва оиласини моддий таъминламаётганлиги далилини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этиши мумкин);

6) аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати (ФПКнинг 149-моддаси). Ёзма шаклдаги ариза эри учун нусхаси билан бирга топширилади. Суд аризани қўриб чиқиш учун қабул қилади, у ишнинг қўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Никоҳ суднинг ҳал қилув қарори асосида берилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилди (ОКнинг 40, 41, 47-моддалари).

Лайло Ашурова,
«Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-30;
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
отказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нотири – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терғичи ва саҳифаловчи.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз белими – А3. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоси кўпайтилган нархда.
Буюртма 1157. Адади 1 095. Газета 2017 йил 26 сентябрь, соат 18.30 да топширилди.